



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (12.940)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бунёдкорлик бизга ажодлардан мерос. Амир Темур бобомизнинг «Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг» деган пурмаъно сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ўз аксини топган.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: БАРЧАСИ ЎЗИМИЗНИКИ

Истиклол йилларида бу борадаги аъёнalar қайта тикланиб, юртимизда қисқа фурсатда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида асим пойтахтимиздан то чекка ҳудудлар қиёфасигача тамоман ўзгарди. Шарқона услубда, замонавий бинокорлик талабларидан келиб чиққан ҳолда бунёд этилаётган иншоотлар мамлакатимизда қурилиш саноати жадал ривожланиётганига яққол мисолдир.

Бугун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун зарур ҳомаше заҳиралари бўйича Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мамлакатимиз ҳудудида беш юздан ортиқ ишт, цемент, керамзит ҳомашеси, гипс, оҳактош, қум, шағал сингари ҳомаше конлари борлиги аниқланган. Ушбу табиий заҳира манбаларининг катта қисми истиклол йилларида очилган.

Қурилиш материаллари бозорларига тушсангиз, маҳсулотларнинг кўпчилиги, хилма-хиллигини кўриб қувонасиз. Танлаш имконияти шу қадар кенги, бу соҳадан бироз хабари бўлмаган одам ўзига керакли маҳсулотни танломай қийналиши шубҳасиз. Эътиборлики, тақлиф этилаётган қурилиш материалларининг ақсарию юртимизда ишлаб чиқарилган.

— Бўёқ маҳсулотлари сотиш билан шуғулланамиз, — дейди «Дўмбировод» қурилиш маҳсулотлари бозорида фаолият кўрсатувчи тадбиркор Тохир Хакимов. — Бундан 20-25 йил илгари асосан хориждан келтирилган маҳсулотлар бўларди. Эндиликда чет эл маҳсулотлари ўрнини юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари эгаллаб, бугунги кунда деярли барча турдаги бўёқлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилмоқда. Кучли рақобат шароитида маҳсулот сифати, ҳамёнбонлиги муҳим роль ўйнайди. Шу маънода биз тақлиф этаётган бўёқ маҳсулотлари сифат борада хорижикидан сира қолшмайди.

Бозорлардаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилаётган қурилиш материаллари харидорларга ҳам манзур бўлаётди.

— Ҳар гал қурилиш материаллари бозорига тушсан юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни танлайман, —


дейди пойтахтлик Собир Худойкулов. — Чунки хориж маҳсулоти юртимизга кириб келгунча нархи бир неча баробар ортади, унинг ўрнига худди шундай сифатдаги ўзимизнинг маҳсулотни арзон нарҳда олганга нима етсин.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда Президентимизнинг 2005 йил 24 мартдаги «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётди.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг инвестициялар, экспорт ва тармоқни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Акбар Мухиддиновнинг маълум қилишича, 2015 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича 1696,7 минг тонна цемент, 1834 минг квадрат метр қурилиш ойнаси, 8,9 миллион дона деворбоп материал, 189 минг квадрат метр керамик плитка, 1,8 минг тонна йғма темир-бетон маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Импорт товарлар ўрнини босишга қаратилган маҳаллийлаштириш дастури доирасида компания тизимидаги корхоналар томонидан 1202,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи 104,2 фоизга бажарилган.

Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги йилларда ўттиздан ортиқ қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, қуруқ қурилиш аралашмалари, гипсокартон, девор ва шифт учун пластик панеллар, алюмин-пластик композит панеллар, пластик эшик ва ромлар, алюмин радиаторлар, полимер асосидаги санитария-техника воситалари, сопол физ, сайдинг-панеллар, ойна блоклари, ламинатланган паркетлар, линолеум каби маҳсулотлар эндиликда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

2012-2014 йилларда мамлакатимизга олиб келинган қурилиш маҳсулотлари таҳлиладан келиб чиқиб, 15 дан ортиқ материални маҳаллийлаштиришга киришилди. Буларга «Ангрен», «Жиззах» махсус индустриал зоналаридаги корхоналар, Бекобод шаҳридаги «Ўз Оупа», Жиззах



вилоятидаги «Mera инвест индустриал» ва «Jizzakh Avantagé Plus», Фарғона шаҳридаги «Модерна керамик индустри», Тошкент вилоятидаги «EMG San Ceramic» корхоналарида амалга оширилаётган лойиҳаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ 2015-2016 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 2 мингдан ошмиқ лойиҳа режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида улардан 205 таси амалга оширилган. Умуман, мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши натижасида 773,6 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, 35 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришда 2015-2019 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур дастурга бугунги кунда асосан хориждан келтирилаётган гулқозғалар, композит материаллар, металл ва металлсиз графитдан, фторопластдан тайёрланган маҳсулотлар сингари йигирмадан ортиқ қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш киритилган.

Қурилиш ишларини цементсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу тармоқни модернизациялаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш соҳа ривожланишининг гаровидир. Жумладан, Жиззах вилоятида оқ цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 120,3 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида қуруқ аралашмалар, сўнгий пардозлаш материаллари ва рангли цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган 350 минг тонна ҳомаше етказиб берилди.

Бугун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Мамлакатимизда бу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар 7 мингдан ошмиқ, улар томонидан биргина 2014 йилда 4,6 триллион сўмлик ўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. Бу бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш, минглаб янги иш ўринлари яратиш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Тошкент шаҳрида жорий йилнинг ўтган даврида 3700 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъектининг рўйхатга олингани бунинг далилидир. Айни вақтда уларнинг олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахт туманларида ўтказилаётган тадбиркорлар билан учрашувларда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари кичик бизнесроқда ўтказилган навбатдаги тадбир ҳам корхоналар тақлифларини ўрганиш, уларга туман, шаҳар ёки республика идоралари миқёсида ёрдам беришга қаратилди.

Тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари, солиқ, прокуратура, божхона, ички ишлар, архитектура, иқтисодиёт идоралари, банк ва бошқа молия-кредит муассасалари мутасаддилари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг конуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Фармонга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича режали текширувлар фақат охириги режали текширув давридан кейинги мuddатни қамраб олиши белгиланган. Шунингдек, тад-

биркорлик субъектларига йўл қўйилган хатоларни текширув давом этаётган даврнинг ўзида тўғрилаш имконияти яратилиши улар фаолияти тўхтатиб қўйилиши ва тугатилишининг олдини олади.

Юнусобод туманида етти мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган, шундан олти мингга кичик бизнес сектори вакили саналади. «Zenit Electronics», «Raupxon», «Новофарма Плюс», «Elsun-Sharob», «O'zbekenergota'mir», «Алким Текстиль» сингари йирик корхоналар билан бирга мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари туманининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес вакиллариининг иштироки тобора ортиб бормоқда. Туман ҳокимлиги маълумотларига кўра, 2014 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 66,7 фоиз саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, хизмат кўрсатиш тармоғининг 41,5 фоизи, юк ташиншинг 79,1 фоизи, йўловчи ташиншинг 86,9 фоизи ва қурилиш ишларининг 85 фоизи соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келган. Натижада яратилган ўн мингга яқин янги иш ўринининг 65,2 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида ташкил этилган.

Йиғилишда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди идора ва ташкилотлар маъсул ходимлари жавоб қайтарди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чикди.

**Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири**

Пойтахтимизда оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда вазирлик ва идоралар, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада уларнинг ўзига ишонч орди, мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни юксалди. Бугунги кунда тадбиркорларнинг 35 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Қизлар мактабда олган билимларини коллежларда мустаҳкамламоқда. Сифатли таълим олиш билан бирга камида иккита касб-ҳунарни эгалламоқда. Коллежни битиргач, ишга жойлашиб ёки мустақил иш очиб, жамиятда ўз ўрнини топишмоқда, оиласига даромад, жамиятга наф келтирмоқда.

Аёлларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш борасида қатор халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Милан Савдо-саноат, ҳунармандлик ва қишлоқ ҳўжалиги палатаси қошидаги «Формалер» агентлиги (Италия), Ижтимоий инновациялар жамғармаси (Литва), «Аёллар мулоқот ва таълим учун» уюшмаси (Испания) ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг Институционал ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилган «Эхтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» лойиҳаси шулар жумласидандир.

Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги 5 маҳаллада амалга оширилди. Унинг доирасида аёл-

ларга тадбиркорлик асослари бўйича ўқув машғулотлар ўтказилди, бизнес-режа тузиш ва микрокредитлаш жарёнида амалий қўмак ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда маслаҳатлар берилди.

Анжуманда Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида яратилган ҳуқуқий асос, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим омили бўлгани қайд этилди.

— Ушбу лойиҳа хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш, уларнинг даромад имкониятларини кенгайтириш, аҳоли бандлигини оширишга ҳисса қўшаётди, — деди ЎЗА мухбирига Милан Савдо-саноат, ҳунармандлик ва қишлоқ ҳўжалиги палатаси қошидаги «Формалер» агентлиги президенти Умберто Беллини. — Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан яна қўллаб-қувватлашнинг муваффақиятли ниятидамыз.

Тадбирда мамлакатимизда аёллар, хусусан, касб-ҳунар коллежини битираётган қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида сўз юритилди. Бу борада халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чикди.

Ирода УМАРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган семинар ташкил этилди.

● Наманган вилоятининг Чортоқ туманида янги шифо маскани — «Шифо мадад» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги шифохона ўз фаолиятини «Соғлом келажак учун» хайрия акцияси билан бошлади. Тадбирда тумандаги 24-мактабгача таълим муассасаси кичикнотойлари тиббий кўрикдан ўтказилди.

● Қашқадарёда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими ва ички ишлар бошқармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди виллоят бўлими вакиллари иштирок этди.

● Наманган шаҳрида «Олтин мерос» гурунг маркази иш бошлади. Қарийб бир гектар майдонни эгаллаган, миллий меъморий усулида қурилган бино ва иншоотлар, шийпонлар, фаввора атрофига қўйилган сўриларда кекса отахон ва онахонларнинг бир пиёла чой устида хордиқ чиқариши учун барча қулайлик яратилган. Хоналар телевизор, совутгич ва бошқа зарур буюмлар билан жиҳозланган.

ЖАҲОНДА

● Кеча Россиянинг бир қанча ҳудудларида кучли ёмғир қуйиши натижасида ноқулайликлар юзага келди. 2 соат ичида деярли бир ойлик меъёрда қуйган жала Курск шаҳрига энг катта зарар етказган бўлиб, шаҳардаги марказий бозор атрофидаги майдонда сувнинг сатҳи деярли 1 метрга етиб, кўпчилик хонадонлар электр қувватидан узилиб қолди. Москвада эса «Шелковская» метро бекати бир неча соатга ёпиб қўйилди. Кучли сув тошқинлари Ростов ва Краснодар шаҳарларида ҳам кузатилди.

● Шимолий Кореяда кейинги юз йил ичида энг кучли қурғоқчилик юзага келиб, у қишлоқ ҳўжалигига улкан зарар етказмоқда. Корея марказий телеграф агентлигининг маълумотларига кўра, узок вақтдан буён ёмғир ёғмаётганлиги бутун мамлакатдаги гуруч экинлари ҳосилини барбод қилмоқда.

● Олимлар жаҳоннинг энг қиммат кофе навини аниқладилар. Унинг номи Black ivory (Қора фил суғи) бўлиб, ушбу кофенинг бир стаканни юз доллар, мазкур навадаги ичимликнинг бир килограмми эса 2 минг долларгача нархланмоқда. Кофенинг ушбу нави фақат Таиланддагина ўсади.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» таълим муассасасида олий ўқув юртлирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар машғулотида сенаторлар, депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари масъул ходимлари мамлакатимизда кечаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, ёшлар тарбиясига оид долзарб масалалар ҳусусида маърузалари билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ваҳобов, халқ таълими вазири У.Иноятов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида билим, соғлом ва мустақил фикрли, теран маънавиятли, дунёда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларни ҳолис таҳлил эта оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид ишларнинг мукаммал тизими йўлга қўйилган. Таълимни ислоҳ этиш, маданият ва санъатни раванқ топтириш, буюк аجدодларимиз ҳаёти, фаолияти, бой маънавий ҳазинасини мукаммал ўрганиш, жаҳон андозларига мос ўқув, маънавият ва маърифат, санъат, маданият даргоҳлари барпо этилаётгани халқимиз дунёқарашда ижобий ўзгаришларнинг содир бўлиши, ватанпарвар, фидойи авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, ўз ҳақ-ҳуқуқини та-

нийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йўлларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази каби тузилмалар ёшларимиз-

Юксак маънавият — енгилмас куч МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

ни турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ғояларини йигит-қизлар онгига чуқур сингдириш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Бугун шиддат билан ўзгараётган мураккаб даврда, афсуски, турли мафкуравий таҳдидлар ёшларга ёт ғояларни сингдириш, уларни тўғри йўлдан оздириш ҳавфи сақланиб қолмоқда. Бу таълим-тарбия, маънавият ва маърифат фидойилари зиммасига гоят масъулиятли вазифаларни юклаши билан бирга ёшлар тарбиясида огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бой бермасликни, мунтазам тарғибот ишларини олиб боришда янгича ёндашув ва усуллардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» ўқув муассасаси томонидан турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ходимларининг касб малака ва маҳоратини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган вақт мобайнида мазкур марказда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг 2600 нафардан ортиқ ходими касб маҳоратини оширди.

Ушбу ўқув-семинардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда кечаётган ислохотлар аҳамиятини кенг тушунтириш, олий ўқув юртлиридаги маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, бунда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни изчил йўлга қўйишдан иборатдир.

Семинар машғулотида маънавий ишларни тизимли ва самарали ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишдаги илғор тажрибаларни кенг омалаштириш, глобаллашув шароитида мафкуравий ҳуружлар ва маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби масалалар атрофича муҳокама этилди.

— Ёшларимиз бугун озод ва обод, тинч-осойишта, фаровон юрда ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етмоқда, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Комилов Султон. — Уларга мустақиллигимиз, бугунги саодатли кунларимиз не-не захмат ва машаққатлар эвазига қўлга киритилганини аниқ мисоллар орқали етказиш, қалбда шукроналик, шу табарруқ диёрдан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлаш маънавият тарғиботчилари зиммасидаги асосий вазифадир.

Анхуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Ходиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ- УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникани техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин қўбришни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига ййгиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан ййғим ундирилмаслик;

мулкдорга кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техник доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказилаётган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хайтов): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Учтепа туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Ф.Шамсиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Учтепа туман тармоқ администратори (Ш.Камоллов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.uchtepa.poytaht.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 13 январь кундаги «Учтепа туманида 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги 23-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримбеков зиммасига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими
А.Досмухамедов

2015 йил 15 январь

Қарорнинг илова қилиниши билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали таништириш мумкин.

Янги қонун кучга кирди

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унга тегишли шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънода жорий йилнинг 3 июнь кунини қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамиятга эгадир.

Аввало таъкидлаш лозимки, Қонуннинг 3-моддасига «депозитарий тилха», «лар», «инфратузилма облигациялари», «клиринг», «маркет-мейкер» ва «неттинг» каби янги тушунчалар киритилди.

Қонунда савдо ташкилотчиси кафолат фондиди шакллантириши (23-модда), депозитарий алоҳида профессионал фаолият сифатида бекор қилиниши (24-модда), унинг функциясини эса инвестиция воситачиси бажариши (26-модда) белгиланди. Шунингдек, инвестиция фонди фаолиятида чекловлар рўйхати берилди (29-модда), қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича ҳисоб-китоблар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан амалга оширилиши (33-модда), биржа битимлари бўйича давлат бюджетига солиқ ўрнига ййғим тўлаиши (16-модда), Марказий депозитарий қимматли қоғозларга халқаро кодларни бериши (39-модда) белгиланди ҳамда эмитент ошкор қиладиган муҳим фактлар рўйхати аниқлаштирилиб, янги ҳолатлар қўшилди ва (44-модда), «инсайдер ахборот» тушунчаси киритилиб, ундан фойдаланиш тақиқланди (53-модда).

Хусусан, Қонуннинг 6-моддасига асосан инфратузилма облигациялари қўйидаги шартларга риоя этган ҳолда: эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги, аудиторлик ташкилоти ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капитали ва чиқарилиш бўйича қўшимча таъминот микдори доирасидан;

инфратузилма облигацияларини жойлаштиришдан олинган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қароридан назарда тутилган лойиҳани молиялаштириш учун фойдаланилса;

инфратузилма облигацияларини бўйича эмитентнинг мажбуриятлари улар тўлиқ муомаладан чиқарилгунга қадар белгиланган тартибда суғурталанган бўлса, чиқарилиши белгиланди.

Қонуннинг 8-моддасига кўра эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитентнинг аризасига Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи улар оммавий жойлаштирилган тақдирда илова қилинади. Бунда, Қонуннинг 10-моддасига асосан Республика бюджетига ййғим эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент томонидан мазкур чиқарилишда-

ги Қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи микдориди тўланади.

Илгари рўйхатдан ўтказилган чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг қонуннинг қиймати оширилган тақдирда, эмитент мазкур чиқарилишдаги Қимматли қоғозлар номинал қиймати ошган суммасининг 0,01 фоизи микдориди Республика бюджетига ййғим тўлайди.

Шунингдек, Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ фонд биржасида эмиссиявий Қимматли қоғозларга доир битимлар тузилганда сотувчи (бундан эмитент мустақило) Давлат бюджетига битим суммасининг 0,01 фоизи микдориди ййғим тўлайди. Бунда сотувчининг, шу жумладан норезидентнинг тузилган битим бўйича даромадларига юридик шахслардан олинган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солимайди.

Қимматли қоғозларга доир нархларнинг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун биржа битимлари тузилганда маркет-мейкер биржага, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, шунингдек, ТИФ Миллий банкига ййғимлар ва бошқа тўловлар тўлашдан озод қилинади.

Бундан ташқари, Қонуннинг 17-моддасига асосан ҳужжатсиз шаклдаги эмиссиявий Қимматли қоғозлар ушбу Қимматли қоғозлар жойлаштирилиши муддати ичида уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан ва улар олувчиларнинг депо ҳисобварақларига ўтказилганидан кейин жойлаштирилган ҳисобланади.

Қонуннинг 23-моддасида инвестиция воситачиси томонидан инвесторга етказилган зарарининг ўрнини қоплаш учун Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси ҳар бир инвестиция воситачисига тегадиган воситачилик ҳақининг чегириб қолинадиган қисми ҳисобидан кафолат фондиди шакллантиради. Кафолат фондидининг маблағлари инвестиция воситачилирига тегишли бўлиб, ҳар бир инвестиция воситачиси бўйича алоҳида шакллантирилади ва ҳисобга олинади.

Ҳақининг, ушбу Қонун нафақат тадбиркорликни, балки акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фахриддин ДЖАМОЛОВ,
Тошкент шаҳар
прокуратурасининг
бўлим катта прокурори



Темур Мамадаевнинг олган сурати

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтидида талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий-ижодий имкониятини рўёбга қилириш, санъатнинг турли соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод вакиллари кашф этиш мақсадида «Талаба — ёшлар ижодиёти фестивали» бўлиб ўтди.

Фестиваллар

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур санъат байрами икки ҳафта давом этиб, олийгоҳнинг энг истеъдодли, изланувчан ва зукко талабаларини саралаб олиш имконини берди. Мазкур тадбир доирасида истеъдодли талабалар томонидан саҳналаштирилган спектакллар, суратга олинган ҳужжатли ва бадиий фильмлар, концерт дастурлари ҳамда театрлаштирилган томошалар ййғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Бу эса фестиваль меҳмонлари ва институт ҳаёти билан танишиш истагида юрган абитуриентлар учун айна мударо бўлди.

Фестиваль доирасида ййғилганлар эътиборига институт ўқув театрида саҳналаштирилган «Имон», «Тоҳир ва Зухра», «Этик қийган мушукча», «Чикаго», «Эски шаҳар болалари», «Турна патлари» каби турли мавзу ва жанрдаги спектакллар, ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи қисқа метражли фильмлар, «Бадиий сўз ижрочилиги», «Оҳанг — рух тарбиячиси» каби концерт дастурлари намойиш этилди. Талабаларнинг илк ижодий ишларини кузата туриб, ўзбек санъати ва маданиятига ўз овозига эга ёш ижодкорлар, малакали кадрлар кириб келаётганига амин бўлди. Айниқса, уларнинг фильм ва спектаклларга ёндашув услуби, актёрлик ижроси ва режиссёрлик топилмалари, мумтоз музика ва анъанавий қўшиқчилик борасидаги маҳоратлари эътиборни тортади.

Ҳар бир тақдирот якунида устоз-мураббийлар ва талабалар иштирокида муҳокама жараёни ташкил этилиб, ижодий ишларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинди.

Мазкур кўрик-фестиваль санъат оламига эндигина кириб келаётган ёш ижодкорлар учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини бажарди. Жумладан, мохир режиссёрлар, актёрлар, хонанда ва қўшиқчилар

иштирокида танловдан ташқари ўтказилган ижодий учрашув ва маҳорат дарслари ёш ижодкорлар хотирасида узок вақт муҳрланиб қолиши аниқ. Устоз санъаткорлар ёшлар билан мулоқот чоғида санъатнинг кўпчиликка маъхум сир-асрорлар, эстетик дунёси ва инсон маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ҳақида атрофича фикр билдиришди.

— Бизнинг талабаларнинг нафақат ижодий фаолият, балки илмий излаишлар билан ҳам шуғулланаётгани кувонарли ҳол, — дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Гўзал Холиқулова. — Ҳисоб-китобларга назар ташлайдиган бўлсак, ютуқларимизнинг аксарияти илм-фан ортидан келди. Илмий тадқиқот ва илмий-услубий ишлар, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича қилинган сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, институтимиз илмий фаолият бўйича Германия, Россия, Жанубий Корея, Белоруссия каби хорижий давлатлар билан ҳамкорлик шартномаларига эга. Маълумки, институтда таҳсил оладиган аксарият талабалар бевосита амалий фаолият билан шуғулланишади. Яъни, ўзлари тадқиқ этаятган мавзунинг амалиётчи сифатида ҳам яхши билишади. Бу эса мавзунинг таг қатламларига кириб бориш, унинг нозик жиҳатлари, сир-асрорларини кашф этиш, энг муҳими, қўйилган муаммони нафақат тадқиқотчи, балки ижодкор сифатида ҳис қилиш имконини беради. Ҳар қандай назариёт амалиёт билан уйғунлиқда ривожланса, натижа ижобий ва самарали бўлиши табиий. Бизнинг олийгоҳда эса амалиётни назариётдан айро ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият
институтини магистранти

Шу азиз Ватан — барчамизники

ДУНЁДА ЮРТЛАР КЎП, АММО ЎЗБЕКИСТОН БИТТАДИР!

Ана шундай овоз ва обод юрда яшаётганимиздан қалбларимиз гурурга тўлади. Бугун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида, самарали равишда амалга оширилаётган ислохотлар айнан инсон ва унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилмоқда. Жамиятимизда юз бераётган ҳар қандай янгиланиш, ўзгаришнинг моҳиятида ана шундай эзгу мақсад ётгани барчамизга ғайрат-шижоат бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг турли моддаларида: «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди», «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», — деб аниқ белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва эллатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқнинг ўзга халқлар билан, миллатнинг бошқа миллатлар билан, давлатнинг бошқа давлатлар билан қандай муносабатда бўлиши, улар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўзаро аҳиллик, тинч-тотувлик ва бошқа ҳақдаги яқинликлар мазмунини ва моҳияти маданиятнинг қанчалик теран ривожланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Айнан Ўзбекистон танлаган йўл бугун дунёнинг қўллаб-қувватлаганига намуна сифатида кўрсатиладиган даражага етди. Ватанимизда инсон қадрини том маънода мил-

лий қадриятга айланганининг барча соҳалардаги ислохотлар мисолида ҳам эътироф этилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Жумладан, республикада истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб фуқароларга ўз тиллари ва урф-одатларини ўрганишлари учун барча шароитлар ва имкониятлар яратиб берилган.

Мустабид тузум даврида 1937-38 йилларда зуравонлик билан Ўзоқ Шарқ ўлкасидан қарийб юз минг нафар корейслар Ўзбекистонга кўчирилди. Уларнинг қанча-қанчаси йўл азоби ва қийинчиликларига бардош бера олмай ҳаётдан кўз юмди. Бизнинг ота-боболаримиз ушбу табарруқ заминга келганларидан сўнг ўзбек халқи корейс миллатига нисбатан ўзининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини намойён этди, уларни уй-жой, иш билан таъминлади. Асосий машғулот шилиқорлик бўлган корейслар ўзбеклар билан бирга шилиқорликда меҳнат қила бошлади. Ҳозирда ўзбекча ош-палов бизнинг энг сеvimли таомимизга айланган.

Корейслар билан ўзбеклар кўпгина жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш. Масалан, бизда ҳам катталарга ҳурмат, эътибор, эъзоз, оиланинг муқаддаслиги, бағрикенглик тушунчалари мавжуд. Мухтарам Юртбошимизнинг 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилишларида ҳам Шарқона қадриятларга асослангани аниқ.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи корейс миллати вакилларининг республикамиз ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимизда фуқаро-

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади — халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Ватанимизнинг турли гушаларида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб дилимиз яйрайди. Давлатимиз айнан шундай оқилона йўлни танлаб, миллатлар ўртасидаги дўстлигини тараннум этган ҳолда, ўз халқининг фаровонлигини таъминлаб, дунёдаги кўпгина давлатларга ўрнак бўлмоқда, десак асло муболага бўлмайди.



ролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувлиги мустақамлашга кўмаклашиш ассоциациясининг асосий вазифалари ҳисобланади. Албатта, бундай улкан ишлар олиб боришимизда бизга Республика Байналмилал маданият маркази катта ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси ривожлантирилди ва равақ топди. Маданият марказларининг самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада уларнинг сони ортиб, ҳозирда республикамиз бўйича 23 тага етди. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, Людмила Ни раислик қилаётган Тошкент шаҳар корейс миллий маданий марказида катта ишларга қўл урилган. Ҳар йили ушбу марказ томонидан Корей Республикасининг «FRIEND ASIA» халқаро ташкилотининг билан ҳамкорликда корейс тили билмидони кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Эътиборлиси, бу йил ушбу нуфузли танловда ўзбек миллатига мансуб Махбуба Матқаримова биринчи ўринга лойиқ деб топилди, Корей Республикасида тахсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Албатта, биз юртимизда ўсиб-ўлғаяётган ҳар бир фарзандимизнинг эришаётган ютуғини кўриб жуда ҳам хурсанд бўламиз.

Ватанимиз истиқболли ва тараққиётини республикада истиқомат қилаётган бар-

ча миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигисиз ва қардошларча дўстлигисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси томонидан ташкил этиладиган турли йиғилиш ва давра суҳбатларида ёшларимизга Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш, шунингдек, мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлатимиз герби, байроғи ва мадҳиясини Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, гурури, маънавиятининг энг муҳим тимсоллари сифатида эъзозлашни ўргатиб келямиз.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ватанимиз тараққиёти ва истиқболли учун озми-кўпми ҳисса қўлишни фахр-ифтихор, шон-шараф, олий бахт эканлигини чуқур англаб, элим, юртим, халқим, миллатим деб қўйиб-ёниб яшамоғи зарур. Шундагина давлатимизнинг буюк келажагини, истиқлолнинг барқарорлигини чин дилдан ҳис қила оладиган ҳамда Ватанин муқаддас деб билган, унга меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошиб яшайдиган инсонлар орамазда янада кўпаяди.

Виктор ПАК,
Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси раиси,
Олий Мажлис депутати

МЕҲМОНДЎСТЛИК — МИЛЛАТИМИЗГА ХОС ОДАТ

Овоз ва обод юртимиз тарихан қисқа давр мобайнида кенг қўламли ютуқларга эришди. Мамлакатимизда тинчлик ва оқойишталик ҳукм сурмоқда. Миллатлараро муносабатларнинг ўзига хос «ўзбек модели»нинг дунёда тенги йўқ эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди келинаётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон улкан тараққиёт йўлига чиқиб олди. Истиқлол йилларида биз катта ютуқларнинг яна бирига, яъни, турли урф-одат ва ақидаларга эга бўлган кўп миллатли диёримизда миллатлараро тотувлигининг тўла таъмин этилишига эришдик. «Ягона Ватан — ягона хонадон» тушунчаси янгича мазмун-моҳият касб этмоқда.

Юртбошимиз Ислам Каримов: «...биз энг катта бойлигимиз бўлмиш жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва ўзоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз», — дея таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбари худди шу таъкиднинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини ҳам яна бир бор келтириб ўтганлари мамлакатимиз аҳлини беҳад қувонтириб юборди.

Ана шу сўзларнинг исботи ўларок, «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» Республика жамоат бирлашмаси томонидан халқлар ўртасидаги дўстлигини мустақамлаш бора-бора кўпгина хайрли ишлар олиб боришмоқда. Адолатхон Носирова раислик қилаётган ушбу жамоат бирлашмаси 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, юртимизда истиқомат қилаётган чет эл фуқароларини миллатимизга хос бўлган қадимий миллий урф-одатлар ва удумлар билан таништиришдан иборат.

Бизнинг буюк тарихий, маънавий меросимиз бор. Мана шу қўна маданий аъёналаримизни чин қалбдан ҳис этиб, замонавийлаштириб, халқаро миқёсга кўтариш керак эканлигини тўғри англаб етдик. Шундан сўнг бой маданий меросимизни тарғиб қилишни бажаришимиз зарур бўлган долзарб вазифа қилиб олдик, — дейди А.Носирова.

Дарҳақиқат, халқаро алоқаларни чуқурлаштириш қўшма мақсади бўлиши учун муҳим сиёсий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, миллий ва миллатлараро муносабатлар сиёсати ўта нозик ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, халқлар ўртасидаги дўстлигининг янада мустаҳкам бўлишига ҳиссаларини қўшаётган инсонлар борлигидан хурсанд бўлади, киши.

Ҳозирги кунда «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» Республика жамоат бирлашмаси томонидан қўллаб-қўллаб байрам ва хайрия тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Тошкент Халқаро аёллар клуби — «Tashkent Women International Group», «Gourmet club of Tashkent» каби ташкилотлар ҳамда дизайнер Гузэл Асадуллоева бошчилигидаги «Uzbek Fashion Show» миллий либослар галереяси билан ҳамкорлик натижалари ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, пойтахтимиздаги «MEGA CHILD» номли нодавлат мактабгача таълим муассасасида ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини, Наврўз байрами, Мустақиллик кунини ва бошқа байрамларга бағишлаб, турли тадбирлар уюштириб турилиши ҳам фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Ана шундай тадбирларга АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия, Чехия, Хиндистон, Жанубий Корея, Иордания, Туркия, Бангладеш, ЖАР, Латвия ва Озарбойжон каби давлатларнинг элчилари ҳамда элчихона ходимлари таклиф этиладилар. Улар ушбу байрам тадбирларидан бир олам таассурот оладилар, десак адашмаймиз.

— Жамоат бирлашмаси томонидан турли тадбирларни ўтказишдан асосий мақсадиимиз, энг аввало, мамлакатимизда яшаётган хорижий давлатлар фуқароларига мил-

лий меҳмондўстлигимизни тараннум этиш ҳисобланади, — дея сўзбатга қўшилади «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» Республика жамоат бирлашмасининг ижрочи директори Зиёдаҳон Мухаммадоева. — Айниқса, ўзбек миллий либослари хорижий меҳмонлар томонидан зўр завқу шавқ билан кўтиб олинди. Миллий таомларимиз эса ўта лаззатлилиги билан уларни хайратга солади. Ана шундай тадбирларга Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар элчиларининг оила аъзолари, дипломатик ваколатхоналар ходимлари, хизмат юзасидан Ўзбекистонда вақтинчалик ишлаётган чет эл фуқаролари, Республикада фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва албатта, ҳозирда кексалик гаштини сураётган табарруқ отахон онахонлар таклиф этиладилар.

Хорижий давлат фуқароларининг мамлакатимизда фаолият олиб борган ва шу мўътабар заминни ўз она юрти каби муқаддас санайдиганлари кўп, десак муболага қилмаган бўламиз. Масалан, Тошкент Халқаро аёллар клуби («TWIG»)нинг собиқ президенти, германиялик Тигрейда Кулесса хоним: «Мен жаҳоннинг йигирма бир давлатида бўлганман. Ўзбекистонга келиб, меҳмондўст халқининг урф-одатлари ва аъёналари билан яқиндан танишишга муюссас бўлдим. Қувонарли жиҳати шундаки, юртингиздаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва Қўқон каби шаҳарлардаги тарихий меросининг бой эканлиги бутун дунёдан келаётган меҳмонларни ўзига жалб этмоқда. Сизнинг мамлакатингиз каби мафтункор диёрда фаолият юритганимдан жуда ҳам хурсандман. Айниқса, менга «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» Республика жамоат бирлашмаси томонидан Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Наврўз байрамга бағишлаб уюштирилган, «Сумалак сайли» деб номланган тадбир жуда ҳам ёқди. Келажакда қаерда бўлмайди, Ўзбекистон менинг иккинчи Ватаним бўлиб қолаверди», деб ўз дил эҳзорларини билдириб ўтган эди.

Бундан қарангки, дунёнинг турли давлатларида фаолият олиб борган Т.Кулесса хоним фақат юртимиздагина ўзини уйдаги каби ҳис этишди ҳам Ватанимизнинг жаннатмонанд диёр эканлигини далиллади. Ер кўррасининг турли нуқталарида нотинчликлар бўлиб турган ўта таҳликали бир даврда — биз жонахон Ўзбекистонимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етишимиз зарур.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги Ўзбекистон — янгидан-янги имкониятларни намойён этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган давлатга айланмоқда. Қолаверса, барча қийинчиликларини енгиб, мустақиллиги йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил қадам ташлаб, халқаро майдонда ўзининг юксак ўрнини эгаллаб келаётган мамлакатдир. 130 дан ортиқ миллат ва эллатларнинг «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида дўст-инoк, oга-ини бўлиб яшаётганлиги юртимизга бутун дунёдан ташриф буюраётган меҳмонларнинг халқимизга бўлган ҳурмат-эътиромининг ортишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқий, демократик, инсонпарвар давлатни вужудга келтиришимизда ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга ошираётган ишларимизда Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар оқилона ва инсонийлик тамойилларига асосланганлигининг исботидир.

Малика ДЖАЛИЛОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий хўжалик судининг судьялари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, видеоконференцалоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хўжалик судлари судьялари ва прокуратура ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси К.Комилов бошқарган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодийни либераллаштириш, бошқаруving бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори шунинг йўналишида қабул қилинган навбатдаги муҳим дастурий ҳужжат бўлди.

Конституцияимизнинг 44-моддасида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланган. Фуқаролик кодексига асосан давло муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини давло кўзгатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Давло муддатига оид нормаларни қўллаш бўйича суд амалиёти таҳлили ушбу масалада тушунтириш берилишини таъкид этмоқда. Пленум мажлисида «Хўжалик судлари томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг давло муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» қарор лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда фуқаролик қонун ҳужжатларининг давло муддатини қўллашга оид нормаларини тўғри ва бир қилда қўлланилишини таъминлаш юзасидан хўжалик судларига аниқ тушунтиришлар берилган. Суд томонидан ишларни кўришда давло муддатини қўллаш асослари ва уни ҳисоблаш тартиби, давло муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг ҳақиқий саналмаслиги, қисқартирилган ёки узайтирилган давло муддатлари, давло муддатини қўллаш ҳақидаги ариза бериш тартиби, давло муддатининг ўта бошлаши, тўхтатилиши ва узилиши каби масалалар шулар жумласидандир.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг процессуал муддатларига оид нормаларини хўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида» қарор лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Унда ишда иштирок этувчи шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ўз процессуал ҳуқуқларидан тўлақонли ва ўз вақтида фойдаланиши, уларга қулайлик ва енгиллик яратиш, бу борада уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилган.

Айтиш жоизки, процессуал муддатлар фуқароларнинг ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда ривож этилиши лозим бўлган муддатлардир. Шу жиҳатдан ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга доир қатъий муддатларни белгилаб қўйилган. Судларнинг бунга қатъий ривож этиши қонунийлигини таъминлаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлайди. Қарор лойиҳасида хўжалик судларининг процессуал муддатларини белгилаш ва ҳисоблаш, муддатларни тўхтатиб туриш, тиклаш ва узайтиришда қонун ҳужжатларига қатъий ривож этиши, низоларни қисқа муддатда кўриб чиқиши, суд ҳужжатларини ўз вақтида ишда иштирок этувчи шахсларга юбориши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Пленум мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

2015 йил 27 июлда «Тошкент» АФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган расмий пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидати улуси %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таъкиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	«Ўзқиммолитермисавдо» АЖ	65,73	266 993	2380	41 639,02	11 117 326 600

Қўшимча маълумотлар учун «MUL-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ МУМКИН.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Арухан АҚЛАНБЕКОВА,
журналист

